

“RESEARCH AND EDUCATION” ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР МАРКАЗИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ АХБОРОТ ХАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлис аъзоларига анъанавий мурожаатномасида мамлакатимизда илм-фанни янада равнақ топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, Ўзбекистон Президентининг 2020 йил 2 март кунги «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги Фармонида кўзда тутилган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида “RESEARCH AND EDUCATION” илмий тадқиқотлар маркази **2022 йил 10 август** куни **2022/13** сонли кўп тармоқли “**INTERNATIONAL CONFERENCE ON LEARNING AND TEACHING**” мавзусидаги халқаро онлайн илмий-амалий конференция ўтказилишини маълум қилади.

КОНФЕРЕНЦИЯГА МАҚОЛА ВА ТЕЗИСЛАР ИЛМ-ФАННИНГ БАРЧА СОҲАЛАРИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ:

- 1. Математика, физика, информатика**
- 2. Кимё, экология, география**
- 3. Биология ва тиббиёт ютуқлари**
- 4. Тарих, ҳуқуқ, тарбия**
- 5. Филология фанлари**
- 6. Педагогика ва психология**
- 7. Фалсафа ва социология**
- 8. Жисмоний тарбия ва спорт**
- 9. Мусиқа, санъат ва маданият**
- 10. Техника, иқтисодиёт ва архитектура**

Конференцияда халқаро олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, докторантлар, магистрантлар, талабалар ҳамда умумтаълим мактабларининг педагоглари иштирок этиши мумкин. Конференцияга тақдим этилаётган материаллар долзарб муаммолар ечимига бағишланган ёки муҳим амалий аҳамиятга эга бўлган масалаларни ўз ичига олган бўлиши лозим.

Мақола ва тезислар 6 тилда – ўзбек, рус, инглиз, қозоқ, тожик, қорақалпоқ, тилларида қабул қилинади. Тезис ва мақолалар 3 бетдан кам бўлмаслиги лозим. Тақдим этилган тезис ва мақола бир бети учун тўлов 15 000 сўм. Тўловлар Click (payme) тўлов тизими орқали қабул қилинади **8600 0304 6361 2071** (UzCARD Rozumova Svetlana номида). Тўлов қилинган расмга олинган, телеграм тармоғи орқали юборилади. Конференция иштирокчиларининг ҳар бирига электрон сертификат ва диплом тақдим этилади. Мақола ва тезислар конференция мавзуси ёки шўбалардан бирига мос келиши ҳамда илмий натижалар ва амалий тавсияларни ўз ичига олган бўлиши шарт. Мақола ва тезис матни Microsoft Word форматида, 14 шрифтда, сатрлараро интервал – 1,5, абзац (отступ) – 1 см., А4 форматда барча томондан 2 см. бўлиши талаб этилади. Мақола ёки тезис мавзуси катта ҳарфлар билан матн бошланишида ўртадан ёзилади. Сўнгра пастки қатор ўрта (марказ)дан муаллифнинг фамилияси, исми, шарифи, иш (ўқиш) жойи ва лавозими кўрсатилади (намунага қаранг). Аннотация (инглиз тилида ABSTRACT) ва калит сўзлар (keywords) халқаро тизимларда индексланиши учун инглиз тилида ҳам берилиши зарур. Муаллифлар сони 2 кишидан ошмаслиги шарт. **Мақола ва тезислар 2022 йил 8 август соат 22:00 га қадар электрон шаклда қабул қилинади ҳамда экспертизадан ўтказилади. Муаллифларга экспертлар хулосаси натижалари ҳақида 24 соат ичида хабар берилади.** Юқоридаги талабларга жавоб бермайдиган, кўрсатилган муддатдан кечикиб топширилган ҳамда экспертизадан ўтмаган мақола ва тезислар тўпламга киритилмайди. Мақола ва тезислардаги маълумотларнинг мазмуни, имлоси, савияси ва ҳаққонийлигига жавобгарлик муаллифлар зиммасига юклатилади.

Тўплам материаллари, сертификат ва дипломлар электрон кўринишда 2022 йил 10 август куни иштирокчиларга етказилади.

Мақола ва тезислар телеграм тармоғида +998 90 910-91-15 манзили орқали қабул қилинади.

HAMUHA

NAVOIY ASARLARIDA KOMIL INSON OBRAZI

Abdullayev Abdulla Abdulla o'g'li,
Toshkent davlat pedagogika universiteti
E-mail: abdullayev@gmail.com

Annotatsiya: Matn, matn, matn, matn, matn, matn ...

Kalit so'zlar: matn, matn, matn, matn, matn ...

THE PERFECT HUMAN IMAGE IN NAVOI'S WORKS

Abstract: text, text, text, text, text, text, text, text, ...

Key words: text, text, text, text, text, text, text, ...

Asosiy matn, matn, matn, matn, matn, matn, matn, matn, matn, matn,
matn, matn, matn

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

- 1.
- 2.
-

Мақола ва тезиснинг файл номи қуйидагича номланиши шарт: шўъба
рақами ҳамда муаллифнинг фамилияси. Масалан: 4.Абдуллаев.docx

Конференция харажатлари ҳақида маълумот

№	Харажат номи	Нархи
1	Қабул қилинган ҳар бир мақола учун тўлов	Бир бети учун 15 000 сўм
2	Конференциянинг барча иштирокчилари учун намуна асосидаги СЕРТИФИКАТ	Бепул
3	Конференциянинг барча иштирокчилари учун намуна асосидаги ДИПЛОМ	Бепул